

# Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича

2022 йил «1» март

Яйпан ш

## 1160/1 -сонли ШАРТНОМА

Икки томонлама ҳўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «NEW-STAR STORY TRADE» МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари К.Ибрагимов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Ўзбекистон туман хокими (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) Ш. Юлдашев ўрталарида куйидаги максадларда тузилди:

### 1. Шартнома предмети

- 1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра куйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради: Ўзбекистон туман хокимият биноси жорий таъмирлаш.
- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати 48 500 000 (кирк саккиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил қилади.
- 1.3. Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.
- 1.4. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: Пудратчи томонидан Ўзбекистон туман Элчи МФЙ биносини жорий таъмирлаш ишларини 30 кун муддатда тўлиқ бажариб беришни ўз зиммасига олади.

### 2. Ҳисоб-китоб шартлари.

- 2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калькуляция ва баҳолар прејскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.
- 2.2. «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорида тўловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан амалга оширади.
- 2.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жаренида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

### 3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

- 3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган ҳолда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми ёки ҳаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.
- 3.3. «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.
- 3.4. «Буюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

### 4. Жарималар қўланилиши

- 4.1. Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар (хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
- 4.2. Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган жорий таъмирлаш ишларини умумий кийматини 0.02% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.
- 4.3. Қабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш (хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.02 % миқдорида «Иш бажарувчи»га пеня тўланади.
- 4.4. Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

### 5. <Форс-мажор>

- 5.1. Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, zilzila, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.



## 6. Шартнома муддати

- 6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
- 6.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 6.3. Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- а) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;
  - б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
  - в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;
  - г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига еки лойиҳа-смета хужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
  - д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки қупайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
- Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

## 7. Қўшимча шартлар

- 7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Иқтисодий суди орқали хал қилинади.
- 7.2 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.
- 7.3 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли хужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.
- 7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли вазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.
- 7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб тегишли вазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади.

## 8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Иш бажарувчи»  
«NEW-STAR STORY TRADE» МЧДЖ  
(Иш бажарувчи номи)

Манзил: Ўзбекистон тумани Дўстларобод  
кишлоғи

Тел. 90-564-76-16

х/в 20208000505501433001 -

Банк номи Универсал банк Кукон

МФО: 00973 СТИР 309353124\*

Раҳбар   
К. Ибрагимов  
(Ф.И.Ш) (имзо)



«Буюртмачи»  
Ўзбекистон туман ҳокимлиги  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Ўзбекистон тумани *Дўстларобод*  
*кишлоғи*

Тел./факс *93-53-91-887*

ш/х\* *1000 218 603 07 207 013 920 018 002*

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи *20189154*

ОКОНХ *97660*


Вазначилик бўлинмаси номи  
*Ўзбекистон туман бўлинмаси*


Ҳисоб х/в *13402 000 300 10000 1010*


Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ХККМ

МФО: *00014*

вазначилик бўлинмаси СТИРи *201122919*

Раҳбар   
Ш. Оланиев  
(Ф.И.Ш) (имзо)

Бош ҳисобчи:   
(лавозим) (Ф.И.Ш) (имзо)



М.Ў.

